O‘zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Paxtachi tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Пахтачийского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2019 у.г. «20» февраль № 782-Қ Ziyovuddin sh., – пгт. Зиёвуддин

Пахтачи туманининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва маҳаллий бюджет параметрларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг *("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон*) 28, 99-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги СҚ-348-Ш-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарори, вилояти ҳокимининг “Самарқанд вилоятининг 2019 йилги маҳаллий бюджет параметрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 13-Қ-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари Пахтачи туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахтачи туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида”ги 207/65-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда*) 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилояти ҳокимининг 2019 йил 8 январдаги “Самарқанд вилоятининг 2019 йилги маҳаллий бюджет параметрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 13-Қ-сонли ва Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахтачи туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида”ги 207/65-сонли қарорлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

туман маҳаллий бюджетининг 2019 йилги параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2019 йилда даромад ва солиқлар тушумларидан туманнинг бюджетига ажратмалар меъёри 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман маҳаллий бюджетларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қўшиладиган даромадлар тегишли бюджет параметрларида кўзда тутилмаган харажатларга йўналтирилишига йўл қўйилмасин.

4. Туман Молия бўлими (Н.Боймурадов):

даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш мақсадида, туман маҳаллий бюджетига вилоят маҳаллий бюджетидан мақсадли трансфертлар ва ссудалар ажратишда барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлиқ туширилишини назоратга олсин;

иш ҳақи, нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича туман маҳаллий бюджетининг харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирсин.

5. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳақи, нафақалар ва унга тенглаштирилган тўловлар туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган харажатлари параметри доирасида амалга оширилсин.

6. Вилоят бюджетидан бюджет ссудалари олиш учун сўровнома киритишда уларни қоплаш муддати ва манбалари тўғрисида тўлиқ ахборот тақдим этилсин.

7. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ш.Қудратов), туман Молия бўлими (Н.Боймурадов) 2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда туман бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтирилсин.

8. Мазкур қарор “Пахтачи” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг paxtachi.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари Ш.Қудратов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **В.Рахимов**

Туман ҳокимининг
2019 йил "20" февралдаги
782-сонли қарорига
1-илова

Тумани маҳаллий бюджетининг
2019 йилги параметрлари

	ДАРОМАДЛАР	минг сўм
1	**Бевосита солиқлар-жами**	**4 020 324**
1.1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1 481 164
1.2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар бўйича	1 737 435
1.3	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	801 725
2	**Билвосита солиқлар-жами**	**8 596 699**
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	3 444 047
2.2	Акциз солиғи	3 373 107
	- шу жумладан; бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	3 373 107
2.3	Давлат божи	1 779 545
3	**Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи-жами**	**13 430 155**
3.1	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 600 085
3.2	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 531 434
3.3	Юридик шахслар ер солиғи	2 157 298
3.4	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	2 949 128
3.5	Ягона ер солиғи	1 217 426
3.6	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллар)	1 848 128
3.7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	126 656
4	**Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар-жами**	**2 600 871**
4.1	Жарималар	1 853 376
4.2	Бозорлар даромадидан тушум	532 102
4.3	Маҳаллий йиғимлар	215 393
	Даромадлар жами	**28 648 049**
	Ижтимоий соҳа учун трансфертлар	**101 520 388**
	Даромадлар ҳаммаси	**130 168 437**
	БАЛАНС	**130 168 437**

т/р	ХАРАЖАТЛАР	минг сўм
1	**Ижтимоий соҳа харажатлар - жами**	**116 193 779**
1.1	Мактабгача таълим	16 400 281
1.2	Умумий ўрта таълим	69 795 249
1.3	Соғлиқни сақлаш	27 944 069
1.4	Маданият	519 329
1.5	Спорт	1 534 851
2	**Иқтисодиётга харажатлар-жами**	**4 541 407**
2.1	Сув хўжалиги ташкилотлари	377 248
2.2	Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари	760 099
2.3	Ветеринария ташкилотлари	809 123
2.4	Ободонлаштириш	2 412 143
2.5	Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	182 794
3	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**3 484 337**
4	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**4 660 118**
5	**Заҳира жамғармаси**	**1 288 796**
	Харажатлар ҳаммаси	**130 168 437**
	БАЛАНС	**130 168 437**
	Айланма касса маблағлари меъёри	**566 374**

Кўриб чиқди: Туман ҳокимлиги мутахассиси З.Холикулов

Ижрочи: Туман молия бўлими мудири Н.Боймурадов

Пахтачи тума...
2019 йил "20" февра...
782-сонли қарорига
2-илова

2019 йилда даромадлар ва солиқлар тушумларидан туман маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Шаҳар ва туманлар номлари	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган катъий белгиланган даромад солиғи	Қўшилган қиймат солиғи	Акциз солиғи						Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Ягона ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	Давлат божи	Жарималар	ЎзР ИИВ ўйул харакати хавфсизлиги Бош бошкармаси ва унинг худудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	Бозорлар даромадлан тушум	Махаллий йиғимлар	Ер каърилан фойдаланганлик учун солик (норула материаллари)
						Арок	Коньяк, бальзам	Табиий вино	Бошка винолар	Пиво	Бензин, дизел ёкилғиси ва газ реализациясидан солик												
Пахтачи тумани	100	100	0	100	20						100	100	100	100	100	100	100	100	100	0	100	100	100

Кўриб чикди: Туман ҳокимлиги мутахассиси З.Холикулов

Ижрочи: Туман молия бўлими мудири Н.Боймурадов